

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Банк иши” фанидан**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу: “Марказий банкнинг валюта сиёсатида бўлган  
талаблари ва уни такомиллаштириш йўллари”**

**Бажарди: ИКБИ-71 гуруҳ  
талабаси Миррахимов А.**

**Илмий раҳбар: Холмаматов Ф.**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**Режа:**

**Кириш**

**1. Марказий банк валюта сиёсатининг моҳияти ва уни амалга ошириш асослари.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта сиёсатини бошқариш амалиёти**

**3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида халқаро валюта муносабатлари бозор ва давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Валюта бозорида валютанинг талаб ва таклифи ҳамда уларнинг курслари нисбати шаклланади. Бозор томонидан тартибга солиш қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунларига бўйсунди. Валюта бозорларида рақобатчилик шароитида бу қонунларнинг ҳаракати валюта алмашувининг ҳаракати нисбий тенглик товарлар, хизматлар, капиталлар ҳамда кредитлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган жаҳон хўжалигининг халқаро валюта эҳтиёжлари оқимларининг мувофиқлигини таъминлайди. Бозорлардаги баҳолар механизми ва валюта курсларининг ўзгариши сабаблари орқали иқтисодий агентлар валюта харидорларининг эҳтиёжлари ва таклифининг имкониятлари тўғрисида маълумот оладилар.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Жаҳон миқёсида савдо-сотик ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада суестлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдик. “Халқ сўзи” газетаси. 16.01.2016 й

Валютанинг бозор ва давлат томонидан тартибга солиниши бир-бирини тўлдириб келади. Бозор томонидан тартибга солиш эса валюта муносабатларини тартибга солишдаги салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Бу улар ўртасидаги фойда ва зарарлар билан белгиланади. Инкирозлар, урушлар, урушдан кейинги вазиятларда давлат томонидан тартибга солиш устунлик қилади. Валюта иқтисодий вазият яхшиланиши билан эса валюта операцияларининг эркинлиги вужудга келиб, бу соҳада бозор рақобати қўллаб-қувватланади. Аммо ҳар доим давлат валюта муносабатлари устидан назорат қилиш ва тартибга солиш мақсадида ўз валюта назоратини сақлаб қолади.

Бунда валюта бозорини самарали тартибга солиш мақсадида валюта курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегиясини қўллаш орқали сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2015 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 16 фоизга пасайиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2810 сўмни ташкил қилди.<sup>2</sup>

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш тизимида муҳим ўринни валюта сиёсати эгаллайди. Валюта сиёсати – мамлакатнинг жорий стратегик мақсадларга мувофиқ халқаро валюта ва бошқа иқтисодий муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган чора тадбирлар мажмуасидир. У иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган, яъни иқтисодиёт ўсишининг барқарорлиги, инфляция ва ишсизликнинг ўсишини тўхтатиш, тўлов балансининг тенглигини ушлаб туриш ва бошқаларни таъминлашга қаратилгандир.

Валюта сиёсатининг йўналиши ва шакллари мамлакатнинг валюта бўйича иқтисодий вазияти, жаҳон хўжалиги эволюцияси, жаҳонда ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилишига кўра аниқланади. Ҳар хил тараққиёт

---

<sup>2</sup> 2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))

босқичларда биринчи ўринда валюта сиёсатининг аниқ мақсад ва масалалари чиқади. Булар:

- валюта инқирозини бартараф этиш ва барқарорлигини таъминлаш;
- валюта чеклашлар;
- валютани эркин айирбошлашга ўтиш;
- валюта операцияларини эркинлиги ва бошқалардир.

Ҳукуматнинг валюта сиёсати валюта қонунчилиги билан расмийлаштирилади. Бу қонунчилик ўз ичига мамлакат ичида ва ташқарисида валюта қийматликлари билан операцияларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар мажмуаси, шунингдек, валюта муаммолари бўйича давлатлараро келишувлари (икки томонлама ва кўп томонламасига бўлиш мумкин)ни олади.

Валюта сиёсатини амалга ошириш йўналишларидан бири бу валютани тартибга солишдир. Валютани тартибга солиш – бу валюта операцияларини амалга ошириш тартиби ва халқаро ҳисоб-китобларни давлат томонидан аниқ белгилаб беришдир. Бу ўз навбатида, миллий, давлатлараро ва ҳудудий даражада бажарилиши мумкин.

Валюта сиёсати валюта муаммолари бўйича қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишни ўз ичига олади.

## **1. Марказий банк валюта сиёсатининг моҳияти ва уни амалга ошириш асослари.**

Марказий банкнинг валюта сиёсати деганда, унинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Мамлакатлараро муносабатларда Марказий банк валюта сиёсатининг асосий жиҳати ҳамкорлик ва келишув, яъни ривожланаётган малакатларни ички сиёсатига молиявий ва маслаҳат хизматлари орқали кўмак беришдан иборат.

Марказий банкнинг валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валютавий қонунлар асосида тартибга солинади. Буларга ҳуқуқий даражадаги чегараларнинг ўрнатилиши, мамлакат ичкарасида ва ташқарисида валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, мамлакатлараро валютавий муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама, валютавий келишувларни тузиш киради.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида: «Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини, унинг қадрини ошириш ва шу орқали баҳолар барқарорлигини таъминлашдан иборат» деб ёзиб қўйилган.

«Валюта барқарорлиги» атамаси пул массаси, нарх-наво ва миллий валюта алмашув курсининг барқарор бўлиши тушунчасини ўз ичига олади. Бу эса Марказий банкнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини акс эттиради. Албатта, пул массасига, нархларга алмашув курсларига таъсир кўрсатадиган омиллар кўп бўлиб, шулардан айримлари Марказий банкнинг бевосита назорати ва таъсиридадир.

Марказий банкнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- монетар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб - китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- банк фаолиятини тартибга солиш ва банклар устидан назорат ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини, шунингдек ҳукумат захираларини келишувга кўра сақлаш ва бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш.

Марказий банк ўзи белгиланган энг кам миқдорда резервлар сақлаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар кўринишида Марказий банк белгиланган тартибда депозитга ўтказилади.

Ваколатли банкларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, кредиторлар ва маблағларни банкка қўйган мижозларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк чет эл валютасидаги операциялар бўйича иқтисодий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлган.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши Марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айна вақтда уларни тартибга солишга имкон яратади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**а) Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.**

Бизга маълумки, кўпчилик ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия, Буюк Британияда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий (Федерал, Резерв) банкнинг балансига ўтказилган. Марказий банкнинг вазифаси ушбу резервлардан оқилона фойдаланиш билан

биргаликда уларни ошириб бориш ҳисобланади. Демак, у ўз балансида чет эл валюта захираларига суянган ҳолда, ҳукумат томонидан белгиланган валюта сиёсати доирасидаги барча операцияларни амалга оширади. Масалан, валюта инвестициясини амалга ошириш учун валюта курсининг тебранишларига барҳам бера оладиган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлиши лозим. (Англия Марказий банки ана шу мақсадга хизмат қилувчи 40 млрд. АҚШ долларисидаги захирага эга).

**б) Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.**

Марказий банкнинг халқаро валюта бозорларидаги барча операциялари унинг ўз миллий ва хорижий валюталардаги вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир валюта турига биттадан вакиллик ҳисобварағи очилади ва Марказий банк бошқа мамлакатларнинг Марказий банкларида ўз ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда эркин тарзда вакиллик ҳисобварақларини юритишга ҳақлидирлар.

Ҳозирги кунда Марказий банклар халқаро валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Тижорат банклари ҳар йили катта миқдордаги маблағларни валюта курсининг ўзгаришини чамалаш, валюта рискинни бошқариш мақсадларига сарфлайдилар.

Марказий банкнинг диллерларига, одатда, вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи минимал бўлиши керак, деган мажбурий шарт қўйилиши мумкин. Юқорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги ана шу шартларнинг бажарилишини тақозо қилади.

**в) Марказий банкда валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги.**

Республикада «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



тўғрисида»ги Қонуннинг VI бобида валютани тартибга солиш ва халқаро резервларни бошқариш масалалари белгилаб берилган. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Марказий банк расмий валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органи сифатида фаолият кўрсатади. У ўз балансидаги расмий олтин-валюта резервларини мустақил тарзда бошқариш ҳуқуқига эга ва айни вақтда, уларни самарали бошқариш юзасидан ҳам жавобгардир.

**г) Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиш.**

Халқаро валюта савдосидаги қонунларда ёки шартномаларда белгилаб кўйилмайдиган, аммо ҳамиша унга риоя қилинадиган ана шундай муҳим удумлар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Спот битимлари бўйича валюталарни 2 иш куни мобайнида ўтказиш. Ушбу муддатда улгурмаган томон, албатта, жарима тўлайди.
- 2) Котировкаларни эълон қилиш.

Диллер валюта сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлса, аввало, ўзининг банкидаги халқаро маълумот тизимидан фойдаланади. У компьютернинг дисплейидан халқаро валюта бозорларидаги котировкаларни кузатиши мумкин. Шундан кейингина валюта курси ўзига маъқул бўлган банкка мурожаат қилади. Қабул қилинган қоида шундан иборатки, ҳеч қайси диллер ҳеч қачон бирдан валютани сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи эканлигини айтмайди. Фақат сотиш ёки сотиб олиш курсини сўрайди.

Курслар тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг, ўз фикрини изҳор қилади. Бунда бозорда қабул қилинган минимал битимлар суммасини албатта, эътиборга олиниши керак. Масалан, 500 минг АҚШ доллари, 1 млн. Евро, 1 млн. Швейцария франки бўлиши мумкин. Амалда валюта савдоси минимал суммадан бир неча баробар юқори суммада амалга оширилади.

Шуниси ҳарактерлики, етакчи валюталар вергулдан кейин 4 рақамгача аниқликда котировка қилинади.

Масалан:

1 USD=0,8077-0,8081 Евро ёки

1 GBP=1,6561-1,6571 USD ва х.к.

3) Битимнинг ёзма тарзда шартномаларсиз амалга оширилиши.

Валюта савдоси асосан телефон ёки телеграф орқали бир фикрга келинган келишувлар асосида амалга оширилади. Биржада эса оғзаки тарзда битимлар тузилади. Аммо уларни бажариш томонлар учун мажбурий бўлиб, улар сўзсиз бажарилади. Гап йирик суммалар устида кетаётганлиги сабабли, битимларнинг имзоланиши дарҳол ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бу эса уларнинг ишончлилигини оширади.

Битимнинг имзоланишини қуйидагиларни ўз ичига олиш керак:

- \* алмашинадиган валюталарни аниқлаш;
- \* курсларни белгилаш;
- \* йирик, ихчамлаштирилган битим суммасини белгилаб олиш;
- \* валютада тўлаш;
- \* валюта ўтказилиши лозим бўлган манзилни кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операциялари, ҳозирги кунда, Республика Олий Мажлиси ва ҳукуратимиз томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, валюта савдосида мақсадлилиқ ва устуворлик принципига кўпроқ эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадларга қуйидагилар қиради:

- экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган корхоналар;
- чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олган фойдалари ва дивидентлари;
- республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги устивор лойиҳаларда қатнашаётган корхоналарнинг сўм маблағлари;
- халқаро туризм хизмати, халқаро алоқалар бўйича хизмат, хизмат сафари ва хорижда таълим олиш билан боғлиқ харажатлар.

Ушбу мақсадлар учун валюта савдосини амалга ошириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган барча асосларга эга.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда Марказий банк валютани давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш идораси сифатида эътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий банк:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани тартибга солиш, назорат қилишга доир меъёрий ҳужжатлар чиқаради;

- банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ҳамда қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

- банклар учун очиқ валюта позицияси лимитларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

- миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

- Ўзбекистон Республикасининг валюта резервларини тасарруф этади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солиши куйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

1. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида валюта захираларини молиялаштириш;
2. Ички валюта бозорини ривожлантириш;
3. Валюта назоратининг самарали тизимини жорий этиш.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган валюта сиёсатининг асосий вазифаси валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштиришдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамызда бу соҳада катта ишлар олиб борилмоқда, Ҳукуматимиз Марказий банк билан биргаликда валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш бўйича босқичма-босқич ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди, жумладан, жорий операциялар бўйича миллий валютамыз сўмнинг эркин алмашувчанлигини жорий этишга тайёргарлик бўйича ҳам чора-тадбирлар ўтказилди ва у жорий қилинди. Шунга мувофиқ равишда республика валюта биржасида бажарилаётган операцияларнинг катта қисми ўтган йилнинг бошида биржадан ташқари бўлган валюта бозорида ўтказиладиган бўлди.

2002 йилнинг май ойидан валюта операцияларида қўлланиладиган расмий, биржага оид ва биржадан ташқари курслар бир хиллаштирилди (унификациялаштирилди). Бундан ташқари, 2002 йилнинг июл ойидан бошлаб, ваколатли банкларга биржадан ташқари бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш курсларини мустақил равишда талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгилаш рухсат этилди. Аҳолининг валютани эркин алмаштириш эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида эса савдо марказлари, туристик мажмуалар, аэропортлар ва бошқа божхона чегараларида алмашув шаҳобчалари тармоғи кенгайтирилди.

Ҳозирги кунда Марказий банкимиз олиб бораётган валюта сиёсати чора-тадбирлари оқибатида валюта муносабатларини ҳолатининг яхшиланиши тижорат банкларининг фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилаётган валюта сиёсати мамлакатимизнинг иқтисодиётидаги таркибий ислоҳотларни тезлаштиришга кўмаклашди. Валюта ресурсларини янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилиши оқибатида республикамызда янги тармоқлари ривожланиши учун пойдевор бўлиб, юзлаб корхоналар ишга тушди.

Республиканинг валюта сиёсати ислоҳотларнинг кейинги босқич вазибаларига мувофиқ равишда такомиллаштирилмоқда. Биз иқтисодиётимиз ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичига

ўтмоқдамиз. Бу босқич биздан жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўлишимизни талаб қилмоқда. Энди аста-секин экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни импорт ўрнини босувчига нисбатан кўпайишига эришиш керак. Жанубий-Шарқий Осиёдаги жадал ривожланувчи мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, айнан экспортга йўналтирилган сиёсат тезлаштирилган иқтисодий ўсишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий банк олиб бораётган валюта сиёсати мамлакатимизнинг жорий ва стратегик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта сиёсатини бошқариш амалиёти**

Мустақиллик йиллари даврида республикаимиз иқтисодиётида катта тузилмавий ўзгаришлар рўй бериб, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноати ва қишлоқ хўжалиги экспортга йўналтирилган давлатга айланди, Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлади.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айна вақтда уларни тартибга солишга имкон яратади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.

б) Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кенг тармоқли корреспондент (вакиллик) муносабатларини мавжудлиги.

Марказий банкнинг халқаро валюта бозоридаги барча операциялари унинг ўз миллий ва хорижий валюталардаги корреспондент ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

в) Марказий банкка валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларни мавжудлиги.

г) Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиш.

Халқаро валюта савдосидаги қонунларда ёки шартномаларда белгилаб қўйилмайдиган, аммо ҳамиша унга риоя қилинадиган маълум удумлар юзага келди. Кундалик амалиётда қўлланиладиган ана шундай муҳим удумлар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Спот битимлари бўйича валюталарни 2 иш куни мобайнида ўтказиш. Ушбу муддатда улгурмаган томон, албатта, жарима тўлайди.

2) Котировкаларни эълон қилиш.

3) Битимни ёзма тарздаги шартномаларсиз амалга оширилиши.

Валюта савдоси асосан телефон ёки телеграф орқали амалга оширилган келишувлар асосида амалга оширилади. Бу эса уларнинг ишончилигини оширади.

Битимнинг имзоланиши қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-алмашинадиган валюталарни аниқлаш;

- курсларни белгилаш;
- йирик, ихчамлаштирилган битим суммасини белгилаб олиш;
- валютада тўлаш, девиз;
- валюта ўтказиши лозим бўлган манзилни кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операциялари, ҳозирги кунда, Республика Олий Мажлиси ва Хукуматимиз томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадларга қуйидагилар киради:

- экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган корхоналар;
- чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олган фойдалари ва дивидентлари;
- Республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларда қатнашаётган корхоналарнинг сўм маблағлари;
- халқаро туризм хизмати, халқаро алоқалар бўйича хизмат сафари ва хорижда таълим олиш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Ушбу мақсадлар учун валюта савдосини амалга ошириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки операциялари амалга ошириш учун зарур бўлган барча асосларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифалардан бири мамлакатда тижорат характеридаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Бунинг учун эса валюта бозорини ривожлантириш зарур. Чунки, ҳар қандай турдаги валюта операцияси-своп, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар пировард натижада спот бозорининг ликвидлилигига боғлиқ.

Қуйидаги жадвал жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси

йиллар мобайнида ўсиб келган. Албатта бу ҳолат, Марказий банкнинг чет эл валюта курсига нисбатан мақсадли коридори асосида бошқарилиб келинган.

Бошқа кўрсаткичлар эса, яъни инфляциянинг йиллик ўсиш кўрсаткичи, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ҳамда мажбурий захиралар ставкаси йиллар мобайнида пасайиб келган. Бу эса, ўз навбатида миллий валюта курсимизнинг алмашув курсига ижобий таъсир кўрсатади.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси миллий валюта курси динамикаси ва унга таъсир этувчи монетар омиллар<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2010	2011	2012	2013	2014
Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси	1 640,0	1 795,0	1984,0	2202,20	2422,4
Инфляциянинг йиллик даражаси	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, %	14	12	12	12	10
Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси, %	12,5	12,5	12,5	12,5	12,5
Ташқи савдонинг ижобий сальдоси, млн. АҚШ доллари	4 246,6	4 517,4	1120	1300	180

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2009-2013 йиллар мобайнида ташқи савдо операциялари ижобий сальдога эга бўлиб келмоқда. Бизга маълумки ташқи савдо операциялари бўйича муносабатлар тўлов балансида юритилади. Тўлов баланси таркибида мазкур моддаларининг ижобий сальдога эга бўлиши халқаро кредитларни жалб қилишга эҳтиёж туғдирмайди. Агарда ташқи савдо операциялари манфий сальдога эга бўлса, у ҳолда мазкур дефицитни қоплашнинг вақтинчалик усуллари билан бири

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди.



хисобланган халқаро кредитларни жалб қилишга эҳтиёж сезилар эди. Лекин шундай бўлсада, ташқи савдо операцияларининг йиллар бўйича сальдоси 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 4 млрд.АҚШ долларидан кўп камайган.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операцияларининг ижобий сальдоси 180 млн.АҚШ доларини ташкил қилган. Бу эса, тўлов балансининг жорий операциялар баланси сальдосининг ижобий бўлишига ва шунинг асосида хорижий валюталар таклифининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Шунингдек, мамлакат ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги олтин-валюта заҳиралари миқдорининг барқарор тарзда ўсишига олиб келди.

2014 йилда валюта сиёсати унинг асосий тамойиллари, яъни миллий валюта сўмнинг барқарорлигини ҳамда ички валюта бозорида талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор инфляциян жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни кўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ўз навбатида, валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усулини қўллаш орқали алмашув курсининг мақсадли коридор доирасида бўлиши таъминланди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2014 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 10 фоизга пасайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2422,4 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларига амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди.

Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди. Экспортни рағбатлантириш ҳамда импортни мақбуллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 19,8 фоизга ошиб, 13,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Марказий банкнинг валюта сиёсати мамлакатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиб борилади. Бунинг боиси шундаки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда валюта сиёсатининг амалга оширилиши ва юритилиши бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу жиҳатдан валюта сиёсатининг мақсади нимадан иборат эканлиги хусусида фақатгина умумий қарашлар орқали ёндашиш мумкин. Инфляциянинг намоён бўлиш шаклларида бири бу миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрининг пасайиши сифатида қарайдиган бўлсак, демак Марказий банк валюта сиёсатининг мақсади бу миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб ҳисобланади. Ҳолбуки, экспорт фаолиятига ихтисослашган ва ундан манфаатдор бўлган мамлакатларда ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий валютанинг эркин конвертирланадиган валюталарга нисбатан қадрини Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари орқали туширишга ҳаракат қилади. Бунга мисол қилиб жаҳон амалиётида айнан шу жараёнга ҳаракат қилаётган мамлакат сифатида Япония ҳукуматини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда Марказий банк томонидан бугунги кунда бошқариб туриладиган курс режими амал қилади. Бу эса, инфляцион жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Миллий валюта номинал алмашув курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиради. Бу эса, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз товар ва хизматларини ички бозорда сотган кўра ташқи бозорда сотгани улар учун манфаатли бўлиб ҳисобланади.

Миллий валютанинг девальвацияланиш суръатининг юқори бўлиши инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, миллий валютанинг девальвацияланиш суръатининг юқори бўлиши халқаро кредитларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки олинган кредитлар баҳоси қимматлашади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан алмашинув курси йиллар мобайнида пасайиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса АҚШ долларида содир бўлаётганлигини инобатга олсак, экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутаяди. Чунки мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилади.<sup>4</sup>

## 2-жадвал

### Миллий валютанинг етакчи валюталарга нисбатан курсининг ўзгариши<sup>5</sup>

Валюталар	Йиллар				
	2010	2011	2012	2013	2014
АҚШ доллари	-8,5	-9,5	-10,5	- 11,0	- 10,0
Евро	+ 2,2	- 8,2	-11,9	-15,7	- 14,5
Фунт стерлинг	- 3,8	- 9,8	-14,4	- 13,1	- 4,0

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” маълумотлари.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳолат йиллар мобайнида ўсиб келмоқда. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга кескин равишда таъсир кўрсатиб ҳамда ўз навбатида биржадан ташқари курсларга таъсир этган ҳолда АҚШ долларига нисбатан талабнинг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатда ишлаб чиқариш суръатлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган товарлар таркибида экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш ва уларни хорижга экспорт қилиш кўлами ҳам ортмоқда.

Бунга асосий сабалардан бири Марказий банк томонидан олиб борилаётган валюта сиёсати натижасида экспорт ҳажми ошганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган макроиктисодий сиёсат ва Марказий банкнинг монетар сиёсати авваламбор, нархларни барқарорлигини сақлаб туриш ва миллий валютадаги аҳоли даромадини ошириш орқали миллий валютадан манфаатдорликни оширишга қаратилгандир.

Ҳозирги вақтда республикаимизда валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилган, валюта назорати ва тартибга солинишининг самарали тизими вужудга келтирилган ва бу борада етарлича тажриба тўпланган.

Бугунги кунда, фикримизча, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Валюта ва ташқи савдо тизимини янада эркинлаштириш;
2. Ваколатли банклар имкон қадар эркин айирбошланадиган валютада кўшимча ресурслар жалб қилишга, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш орқали ҳаракат қилишлари лозим. Фикримизча, бунга эришиш учун биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш керак, иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш зарур, учинчидан, хорижий валютадаги

депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш керак.

Корреспондент муносабатларини ривожлантириш. фикримизча, миллий валютадаги корреспондент алоқаларни ривожлантириш бевосита халқаро савдо алоқаларида миллий валюта-сўмдан кенг миқёсда фойдаланишга асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо тизими ва энг юқори даражада қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи битимлар имзоланган давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан валюта товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)ни экспорт ва импорт қилиш учун республикамиз корхона ва ташкилотлар томонидан шартномалар имзоланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Айниқса 2003 йилда нақд валюта бозоридаги операцияларни кенгайтириб деярли алмаштириш бўйича барча чекловларни бекор қилди. Шунингдек 2003 йил 15 октябрдан бошлаб ХВФ Битими Моддалари 8-моддасининг 2 (а), 3 ва 4-бўлимларида кўзда тутилган мажбуриятлар, яъни миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин айирбошлашни ўз зиммасига олди.

Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидламоқчимизки, «Бизнинг ҳамма ишларимизда – бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими – буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг улуғ ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигидир»<sup>6</sup>

Миллий валюта-сўмнинг конвертация қилинишини жорий этилиши республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг алоҳида аҳамият касб этувчи жиҳатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси давлат

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш- барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Халқ сўзи, 9 феврал 2008й.

мустақиллигига эришиши билан ва мамлакатимиз иқтисодиётини бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиниши бошлаб юборилиши билан конвертация масаласи асосий масалалардан бирига айланди.

Халқаро валюта тизими эволюцияси жараёнида, вақт ўтиши билан «конвертация қилиниши» тушунчаси ҳам ўзгариб борди. Ҳозирги вақтда, валютага эгалик қилаётган ҳар қандай шахс уни бозордаги - қатъий белгиланган, ёки сузиб юрувчи курс бўйича уни халқаро захира валюталаридан бири (АҚШ доллари, Евро ва ш.к.)га конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлишига - валютанинг «тўлиқ конвертирланиши» дейилади.

Умуман, конвертацияни жорий этилиши хорижий валютани маъмурий усул билан тақсимлашни камайтиради деб ҳисобланади. Миллий валютанинг конвертация қилиниши эса мамлакат иқтисодиёти очиклиги ва иқтисодий эркинлик рамзларидан бўлиб, у оғир вазифаларни ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган ислохотлар дастурини жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланишида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Валюталарнинг конвертирланишига доир чекловлар одатда, ташқи савдо чекловлари ва капиталлар ҳаракатига оид чекловлар, бир-биридан алоҳида тарзда ўрганилган эди. Бу ҳол, ушбу чекловларнинг икки шакли бир-биридан мустақил равишда ва турли хил сабабларга кўра жорий этилиши билан боғлиқ ҳам бўлиши мумкин.

Одатда, валюта чекловлари, кўпчилик мамлакатларда ташқи ҳисоб-китобларга доир операцияларнинг кенг доирасини ўз ичига олади ва улар қатъий равишда олиб борилади. Бу ҳол, валюта ресурслари етишмовчилиги ва уларни ишлатишни ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишига мувофиқ ҳолда тартибга солиш зарурияти билан боғлиқдир.

Валюта чекловлари шакллари турли хил шаклда бўлиши мумкин. Одатда, ташқи савдода маҳсулот экспорт қилувчиларга валюта тушумининг барчаси ёки унинг бир қисмини Марказий банк ёки ваколатли банкларга расмий курс бўйича топшириш талаби кенг қўлланилади.

Валюта чекловлари қуйидагиларни назарда тутаяди:

◆ чет элга тўловларни ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, фойдани, олтинни, пул белгилари ва қимматли қоғозларни репатриация қилинишини тартибга солиш;

◆ давлатга мажбурий тарзда хорижий валютани топширилиши (расмий курс бўйича миллий валютага айирбошлаш эвазига).

Қуйидагилар амалиётда қўлланилади:

◆ импорт қилувчиларга хорижий валютани сотилишини лицензиялаш;  
◆ валюта қимматликларини давлат идораларининг махсус рухсатномасиз олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишини ман этилиши;

◆ жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги маблағларга эгалик қилиши ва тасарруф этишини чеклаш;

◆ чет элга шахсий даромадини ўтказишни тартибга солиш;

◆ суғурта ва бошқа тўловларни амалга ошириш;

◆ чет элга чиқишда миллий валютани хорижий валютага алмаштирилишини лимитлаш.

Ички айирбошланиш деганда резидентларнинг мамлакат ичкарасида хорижий валютадаги муайян активлар (масалан, банк депозитлари)ни сақлаш ва тегишли тарзда миллий валютани мамлакат ичкарасида конвертация қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган аҳвол тушунилади. Аммо, мамлакат ичкарасида валютага эга бўлиш ва уни айирбошлаш бўйича ушбу ҳуқуқ мамлакат ичкарасида валюта тўловларини амалга оширилишига рухсат берилиши, шунингдек, чет элга тўловларни ўтказилиши ёки хорижда жойлаштирилган активларга эгалик қилишни назарда тутмайди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат ва Марказий банкнинг монетар сиёсати авваламбор, нархларни барқарорлигини сақлаб туриш ва миллий валютадаги аҳоли даромадини ошириш орқали миллий валютадан манфаатдорликни оширишга қаратилгандир.

Ҳозирги вақтда республикада валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилган, валюта назорати ва тартибга солинишининг самарали

тизими вужудга келтирилган ва бу борада етарлича тажриба тўпланган.

Фикримизга кўра, ҳозирги вақтда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш лозим:

◆ Тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган босқичма-босқич ва узвий ислоҳотлар сиёсатни ўтказиш;

◆ пул массаси ортиқчалари ва инфляция жараёнларига барҳам бериш;

◆ Иқтисодий субъектлар бозор нархларига қайишқоқ ҳолда иш юритиши учун рағбатлантирувчи омиллар ва шарт-шароитларни яратилган муҳитнинг вужудга келтирилиши;

◆ аҳолининг ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши ва миллий валютага бўлган ишончи сўндирилмаслиги нафақат конвертация масаласини ҳал этиш шу билан бирга умумиқтисодий фаровонликка эришиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади;

◆ Тегишли айирбошлаш курсининг мавжудлиги;

◆ Халқаро ликвидлиликнинг етарли даражаси ва бошқа ишларнинг натижасида ўз аксини топмоқда.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар**

Валюта сиёсати орқали муомаладаги пул массасини тартибга солишни амалга оширувчи расмий орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Марказий банкнинг ҳукуматни расмий пул-кредит институти сифатидаги мавқеи беқиёсдир. Бу эса аввало, валюта муносабатларини тартибга солишнинг самарали тизимни вужудга келтириш зарурияти билан изоҳланади. Марказий банкнинг ушбу мавқеига эришганлиги, кўп жихатдан валюта сиёсатининг самарали олиб борилаётганлиги билан изоҳланади.



Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 15 октябрда Халқаро Валюта Фонди Битимлар келишувининг 8-моддасини қабул қилиши ва 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни<sup>7</sup> қабул қилиниб, мазкур қонуннинг 7-моддаси охири бандида жорий операцияларда валюта чекловларини бекор қилинганлиги кўрсатиб ўтилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар кўпайиб, экспорт-импорт операцияларни ҳамда капиталлар ҳаракати (инвестицион фаолият) билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи корхоналар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йуналтирилган ишлаб чиқариш технологиясини ва республикага биринчи даражали халқ истеъмоли моллари олиб келинишини таъминлайдиган корхоналарга ички валютага устувор тарзда конвертирлашнинг ишлаб чиқилган механизми амал қилмоқда.

Операцияларни амалга оширилиши фақат ўзлари мижози ҳисобланган ваколатли банклар орқали амалга оширилади. Ушбу ҳолда ваколатли банк бозорда мижознинг топшириғига кўра ўз номидан иш кўради. Банклараро валюта савдолари сессияларида ваколатли банкларнинг валюта ресурсларини харид қилиш ва сотиш операциялари амалга оширилади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга ва тартибга солишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.

2. Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кенг тармоқли вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.

3. Марказий банкка валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги Республикамизда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни. Т.: «Ўзбекистон», 2004 й.

тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

4. Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш бу борада мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо қилади.

1. Республика Марказий банкининг пул-кредит инструментларининг такомиллашмаганлиги муаммоси.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикада Марказий банк пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиётига хос бўлган асосий камчиликлар қуйидагилардан иборат:

а) Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги.

Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги унинг қайта молиялаштириш сиёсатининг самарадорлик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, мамлакат миллий даромадининг 40 фоиздан ортиқ қисмини бераётган ва аҳолининг асосий қисми банд бўлган қишлоқ хўжалигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб турибди. Мана шундай шароитда дисконт сиёсати қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкин эди.

Бундан ташқари, дисконт сиёсати республикада тижорат банкларига ликвидликни ошириш имконини берар эди. Чунки Марказий банк молиявий йил давомида дисконт ставкасини ўзгартирмайди. Бу эса тижорат банкларига, фоиз ставкаларининг бозор даражасини ўзгаришидан қатъий

назар, белгиланган фоиз ставкасида кредит олиш имконини беради. Бундан ташқари, молиявий жиҳатдан қийналиб қолган тижорат банкларига бошқа тижорат банклари, одатда, кредит бермайди. Марказий банк эса тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан молиявий ночор банкларга ҳам кредит олиш имконини беради.

б) Марказий банкнинг валюта сиёсатидаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Миллий валютанинг биржа курси билан нақд валюталар савдоси бўйича белгиланган тижорат курси ўртасида сезиларли фарқнинг мавжудлиги, миллий спот курсининг ликвидлилик даражасининг нисбатан пастлиги, тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасининг паст эканлиги, расмий олтин- валюта захираларининг сезиларли қисмининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг балансида эканлиги Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштириш йўлидаги асосий муаммолар ҳисобланади.

Республикамизда битим валютаси сифатида етакчи хорижий валюталар-АҚШ доллари, евро, Япония иени ва Буюк Британиянинг фунт стерлингидан фойдаланилмоқда. Сўм баҳоловчи валюта бўлмаганлиги сабабли, биз, баҳоловчи валюта сифатида иккинчи бир хорижий валютадан фойдаланамиз Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон тижорат банкларини, Марказий банкини ҳамда корхоналарини «спот» операциялари кўламини жиддий тарзда жиловлаб туради.

Спот операцияларини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон тижорат банкларининг оладиган фойдаси ва кўрадиган зарарларининг реал даражасини акс эттириш имконининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларини спот операциялари кўламига салбий таъсир қилмоқда.

2. Сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан алмашинув курси йиллар мобайнида пасайиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса АҚШ долларида содир бўлаётганлигини инобатга олсак, экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин

тутади. Чунки мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг 95 фоизга яқини АҚШ долларарида амалга оширилади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳолат йиллар мобайнида ўсиб келмоқда. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга кескин равишда таъсир кўрсатиб ҳамда ўз навбатида биржадан ташқари курсларга таъсир этган ҳолда АҚШ долларига нисбатан талабнинг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Марказий банкнинг валюта сиёсати анъанавий монетар инструмент сифатида пул-кредит сиёсатининг оралиқ ва пировард мақсадларига мос келишини таъминлаш лозим.

Марказий банкнинг валюта сиёсати билан пул-кредит сиёсати ўртасида қарама-қаршилик тез-тез учраб туради. Масалан, республикада тижорат банкларига нақд пул тушуми бўйича «нақд пулларни қайтиш коэффициенти» деб номланувчи кўрсаткич сифатида мажбурият юкланган. Бундан ташқари республикада тижорат банкларининг айланма кассаларига келиб тушган нақд пулларнинг асосий қисми (75-80%) биринчи даражада тўловларни (Давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлиқ бўлган тўловлар) тўлашга йўналтирилмоқда. Натижада, республикада тижорат банкларида сўмдаги нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси юзага келди. Бундай шароитда тижорат банклари нақд хорижий валюталарни сотиб олишдан манфаатдор бўлмайди. Чунки нақд хорижий валюталарни банк томонидан сотиб олиниши унинг сўмдаги чиқимлари суммасининг ошишига олиб келади ва бунинг оқибатида нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси янада чуқурлашади.

Хорижий мамлакатларнинг амалиётида ҳам пул-кредит сиёсати билан валюта сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликни кузатиш мумкин. Масалан, Россияда 1998-2000 йилларда миллий банк тизимидаги захираларнинг ўсиши шароитида рублдаги пул массасининг маълум қисмини муомаладан олиш имконини берадиган молиявий инструментлар етарли бўлмаганлиги сабабли пул агрегатларининг ўсиши юз беради. Бунинг натижасида баҳоларнинг ўсиши жадаллашади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири хорижий валюталардаги расмий валюта захираларини диверсификация қилиш масаласи ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, валюта захираларини диверсификациялаш Марказий банкнинг балансидаги расмий валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилишнинг ишончли ва кам чиқимли усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг хорижий валютадаги захираларини халқаро ҳисоб-китобларда юқори салмоққа эга бўлган валюталарда шакллантириши лозим.

Айни вақтда, халқаро захиралар ҳажмида АҚШ доллариди шакллантирилган захираларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, АҚШ долларининг бошқа етакчи валюталарга нисбатан номинал алмашув курсининг тебраниш диапазони катта эмас; иккинчидан, АҚШ доллариди эмиссия қилинган АҚШ ҳукуматининг ва Федерал фондларининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли ва ишончли инвестициялаш объектлари ҳисобланади; учинчидан, ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, МДҲ давлатларида валюта интервенцияси воситаси бўлиб АҚШ доллари ҳисобланади; тўртинчидан, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ташқи қарзининг асосий қисми АҚШ доллариди шаклланган. Чунончи, Бразилияда халқаро захиралар учта валютада – АҚШ доллари, евро ва Япония иениди шакллантирилган. Чунки мамлакатнинг ташқи қарзи мазкур уч валютадаги қарздан иборат. Жанубий Кореяда халқаро захираларнинг инвестицион таркиби ташқи қарзнинг валютавий таркибига ва жорий валюта операциялари бўйича тўловларни қайси валюталарда амалга ошириладилигига мос равишда шакллантирилмоқда. Чехияда эса расмий валюта захиралари АҚШ доллари ва еврода шакллантирилган. Уни

шакллантиришда эътиборга олинадиган асосий омиллардан бири ташқи қарзнинг валютавий таркиби ҳисобланади<sup>8</sup>.

Номинал фоиз ставкасидан монетар индикатор сифатида фойдаланиш йўли билан пул-кредит сиёсатининг ички талабни рағбатлантиришдаги ролини ошириш.

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати инструментлари орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир қила олади; иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотларни тижорат банкларидан исталган вақтда талаб қилиб оилш имкониятига эга; учинчидан, республикада 2010-2014 йилларда жуда катта миқдорда инвестицияларнинг жалб этилаётганлиги тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини шакллантиришда ривожланган индустриал давлатлар (Германия, Франция, АҚШ) тажрибасидан кенг кўламда фойдаланиш зарур.

Пул-кредит сиёсатини шакллантиришда етакчи пул-кредит концепцияларидан фойдаланиш амалиёти ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Франция, АҚШ давлатлари марказий банкларининг фаолиятида кенг ривож топган.

Германияда кейнсчилик концепцияси биринчи марта 1966-1973 йилларда иқтисодий тушкунликдан қутулиш воситаси сифатида қўлланилди. Кейинчалик унинг ўрнини монетаризм эгаллади. М.Фридменнинг бир қатор асосий қоидалари амалиётга жорий қилинди. Хусусан, ҳукумат харажатларини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштиришни чеклаш ғояси амалиётга тўлиқ жорий этилди. «Федерал банк тўғрисида»ги Қонунда Марказий банкни ҳукуматга бериши мумкин бўлган кредитларининг умумий миқдори 6.0 млрд. немис маркаси миқдорида

---

<sup>8</sup> Фаненко М. Международная ликвидность и диверсификация официальных резервных активов.// Мировая экономика и международные отношения. – Москва. 2007 - № 6. – С.56.

белгилаб қўйилди<sup>9</sup>. Бу ҳолат Марказий банк ҳукуматга шунча миқдорда кредит беришга мажбур деган маънони англатмайди балки у ҳукуматга шунча миқдорда кредит беришга ҳақли деган маънони англатади. Бундан ташқари, 1979 йилдан бошлаб Германия Федерал банки ҳукуматга кредитларни ломбард ставкаларида бера бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматни Марказий банк кредитларини олишдан манфаатдорлигини пасайтиради. Чунки ломбард кредитлари қиммат кредитлар бўлиб, одатда ломбард ставкалари дисконт ставкаларидан 2-3 пунктга юқори бўлади.

Германия Федерал банки томонидан М2 пул массасидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланилиши монетаристик қоидалардан яна бирининг амалиётда ўз исботини топганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукуматга берилиши мумкин бўлган кредитларнинг юқори чегараси қонуний асосда белгилаб қўйилмаган. Берилаётган кредитларнинг миқдори Олий Мажлис томонидан белгиланиши Марказий банк тўғрисидаги Қонунда белгилаб қўйилган<sup>10</sup>.

Бугунги кунда Франция ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ривожланган саноат давлатлари ичида тўртинчи ўринни эгаллайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган узоқ муддатли давр мобайнида Франция иқтисодиётига давлатнинг аралашув даражасини юқори даражада сақланиб қолганлиги молия бозорини ташкил қилишнинг кейнсча моделларидан фойдаланишга имконият яратди. Хусусан, индикатив режаларни ҳаётга тадбиқ этишда асосий эътибор фоиз ставкаларини пасайтириш йўли билан инвестицияларни молиялаштиришни кучайтиришга қаратилди. Фақатгина XX асрнинг 80-йилларига келиб француз иқтисодий фалсафасида ўзгариш юз берди. Яъни иқтисодиёт неолиберал ғояларни ўзига сингдира бошлади.

---

<sup>9</sup> Немецкий Федеральный банк:денежно-политические задачи.-Франкфурт-на-Майне.-№7,1993.- С.24

<sup>10</sup> Закон «О Центральном банке Республики Узбекистан» // Народное слово.-22 декабря, 1995 г.

Франция иқтисодиётида XX асрнинг 80-йилари охиридан бошлаб юзага келган айрим салбий оқибатлар неолиберал ғоялардан иқтисодиётда кенг кўламда фойдаланиш заруриятини юзага келтирди. Масалан, Франция меҳнатнинг технологик қуролланганлик даражаси жиҳатидан АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британиядан орқада қолган. Бундан ташқари, Франциянинг қайта ишлаш саноати корхоналари дунёнинг кўплаб бозорларидан хорижий фирмалар томонидан сиқиб чиқарилди. Бундай салбий ҳолатларнинг барчаси пировард натижада иқтисодиётга ҳукуматнинг аралашувини кескин чеклашни тарғиб қилувчи монетаристик қоидаларни оммалашувига сабаб бўлди. Хусусан, Марказий банк фаолиятида пул массасининг қатъий ўсиш қоидаси жорий этилди. Бундан ташқари, фоиз ставкаларини шаклланиш жараёни янада либераллаштирилди, тижорат банкларига нисбатан белгиланган кредитлаштириш лимитлари бекор қилинди.

Валютани сотиш ёки сотиб олиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга 3 гуруҳ омиллар таъсир қиладик, бу қарорлар ўз навбатида валюта курсининг ҳаракат йўналишини ўзгартириши мумкин:

- фундаментал омиллар
- техник омиллар
- қисқа муддатли кутилмаган омиллар.

Фундаментал омиллар миллий иқтисодиётнинг ҳолатини акс эттирувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу омиллар валюта бозори иштирокчиларининг бозор тўғрисидаги ўрта муддатли истикболи ҳақидаги кутишларига таъсир қилади.

Одатда мазкур макроиқтисодий статистика маълумотлари тегишли давлат миллий статистика органлари (Ўзбекистон Республикасида Давлат статистика қўмитаси) томонидан ҳисоблаб чиқилади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Турли ахборот агентликлари, шунингдек, Рейтер агентлиги ҳам энг сўнгги статистик маълумотлар чоп этилган заҳоти



уларни ўз фойдаланувчиларига тезкор тарзда етказиб беришни таъминлайдилар.

Валюта курсига таъсир қилувчи фундаментал омилларнинг икки муваққат жиҳатини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- узок муддатли таъсир, яъни фундаментал омилларнинг муайян мажмуаси миллий иқтисодиётнинг ҳолатини аниқлаб беради, демак, валюта курсининг бир неча ойлар ва ҳатто йиллар давомидаги ўзгариши трендини ҳам белгилайди. Курс ўзгаришининг бундай ўрта муддатли башоратланиши стратегик позицияларни белгилашда қўл келади. Масалан, АҚШ савдо балансининг Япония билан кўп йиллардан бери манфий қолдиққа эга бўлиши доллар курсининг япон иенасига нисбатан доимий равишда пасайиб бораётганлиги сабаблидир. Ўрта ва узок муддатли таъсирни аниқлашда бир ойдан кўп бўлган муддатдаги (чорак, йил) статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади.

- қисқа муддатли, яъни чоп этилган статистик кўрсаткичнинг валюта курсига таъсир этиши ва бу таъсирнинг бир неча соат ёки ҳаттоки бир неча дақиқа давом этишидир. Нисбатан қисқа даврларда (ҳафта ёки ой) ҳисобланган кўрсаткичлар валюта курсига қисқа муддатли таъсир қилади.

Валюта курсининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатувчи куйидаги фундаментал омилларни ажратиш мумкин:

Харид қобилияти паритети бўйича аниқланган курс валюта айирбошланишнинг энг идеал (ҳақиқий) курси ҳисобланади, зеро у икки мамлакат стандарт саватидаги саноат, истеъмол ва бошқа товар ва хизматларнинг ўртача ҳисобланган нархларининг нисбати сифатида аниқланади. Фақатгина икки мамлакат ўртасидаги савдо нархлари асосида шаклланадиган курснинг идеал моделида, субъектив психологик омилларни ҳисобга олмаган ҳолда, реал валюта курси харид қобилияти паритети курсига тенг бўлар эди.

## Хулоса

2015 йилда валюта сиёсати миллий валюта алмашув курси кескин тебранишлари олдини олишга, инфляцион жараёнларни жиловлашга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бунда валюта бозорини самарали тартибга солиш мақсадида валюта курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегиясини қўллаш орқали сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Мазкур даврда сўмнинг Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан алмашув курси 11 фоизга, еврога нисбатан 2,8 фоизга, Хитой юанига нисбатан 15,8 фоизга, Япония иенасига нисбатан 17 фоизга ва Жанубий Корея вонига нисбатан 8,7 фоизга пасайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий бинкининг монетар сиёсати ўзига хос хусусиятларга эга. Эркин сузиб юрувчи валюта курслари тизимида Марказий банкнинг пул-кредит ва валюта сиёсатининг иқтисодиётга таъсири капиталларни экспорт ва импорт қилишни рағбатлантиришда намоён бўлади. Бунинг мазмуни миллий валюта курсини барқарор сақлаб туриш билан белгиланади. Миллий валюта курсини барқарор ушлаб туриш учун эса, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига олтин-валюта захираларини бошқариш топширилган. Сўмнинг нисбий барқарорлигига фақат макроиқтисодий кўрсаткичларни бир маромга етказилгандагина эришиш мумкин.

Валюта муносабатларини тартибга солишни эркинлаштириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич камайитириш, капиталлар ҳаракатига нисбатан ўрнатилган чекловларни олиб ташлаш, молия тизимида изчил ислохотларни ўтказиш каби шарт-шароитларни юзага келтиришни тақозо этади.

Сўмни муомалага киритилиши билан Ўзбекистонда миллий валюта тизими шаклланди ва унинг элементларига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

а) валюта тизимининг бирламчи асоси бўлиб сўм ҳисобланади ва унинг жорий валюта операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертирланиши 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб таъминланган;

б) “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сўмнинг курс режими эркин сузиш режими ҳисобланади;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур тартиб Халқаро умумлашган қоидалар асосида белгиланади;

г) Ўзбекистоннинг халқаро валютавий ликвидлигини таъминлашда ХВФнинг олтин-валюта захираларининг уч ойлик импортни қоплашга етишига асосланган методикасидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий валюта тизимининг барқарорлигига салбий таъсир қилаётган муаммолар қуйидагилардир:

а) миллий валюта қадрсизланиши жараёнининг давом этаётганлиги;

б) хорижий валюталардаги тўловларни амалга ошириш кетма-кетлигида ноаниқликларнинг мавжудлиги.

Миллий валюта курси режимларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, тўлов балансининг тушумлар ва тўловлар қисми экспорт-импортга қаттиқ боғлиқ бўлган мамлакатларда белгиланган курс режимини қўллаш мақсадга мувофиқ саналади; иккинчидан, белгиланган курс режими молиявий барқарорлик ва инфляциянинг мўътадил даражасини таъминлаш имконини беради, деган ғоя амалиётда ўз исботини топмади; учинчидан, эркин сузиш режимини қўллашда мамлакат етакчи савдо ҳамкорининг миллий валютасидан базавий валюта сифатида фойдаланиш миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ доллариди амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди;

Сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан алмашув курси йиллар мобайнида пасайиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса АҚШ доллариди содир бўлаётганлигини инобатга олсак, экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Чунки мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ доллариди амалга оширилади;

Хоҳлаган бир валюта бўйича очиқ валюта позицияси деганда банкнинг шу хорижий валюта бўйича активларининг мажбуриятларидан ошган суммаси тушунилади ва у узун валюта позицияси деб юритилади. Банк валютани сотиб олганда у узун валюта позициясига эга бўлади ва уни шу валюта бўйича бошқалар олдида талаби ошади, сабаби сотган томон валютани етказиб бериш мажбуриятини олган;

Валюта позициясига лимит ҳар бир давлатда унинг иқтисодиётининг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрнатилиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, 2003 й. 11 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1317-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами.Т.Ўзбекистон 2011 й. 456 б.
8. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2015-72б.
9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва

тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.  
“Халқ сўзи” газетаси. 16.01.2016 й

10. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. – Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.–588 б.

11. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар. Банк иши - Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

12. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлиги. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007.–184 б.

13. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Ташкент: НУРТ, 2003.–278 с.

14. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш.Т. “Фан ва технология”,2007й.286б.

15. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения и финансовые отношения.–Москва: Финансы и статистика, 2001, -184 с.

16. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси.

#### **17. Интернет сайтлари**

[www.bankir.ru](http://www.bankir.ru)

[www.cer.uz](http://www.cer.uz).

[www.bma.uz](http://www.bma.uz)

[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

[www.finance.uz](http://www.finance.uz)

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)